

Барчаси Рамазоннинг шарофати



11:45 / 14.04.2022 1729

Рамазонда тунги нафл намозлар масжидларда жамоат билан ўқилади. Фикҳий китобларимизда нафл намозларни жамоат бўлиб ўқишга доир турли фатволар бор. Хусусан, масжидда нафл намозларни жамоат бўлиб ўқишдан қайтарилади. Фақат Рамазон ойида таровеҳ намозларини, уларга қўшиб витр намозини жамоат бўлиб ўқиш суннатлигини жумҳур уламолар таъкидлаган. Шунга кўра, бутун Ислом оламида Рамазон ойида масжидларда мўмин-мусулмонлар таровеҳ намозларини жамоат бўлиб адо этишади, хатми Қуръонлар ўқишади. Буларнинг барчаси ушбу ойнанинг фазилатларидандир.

Рамазон болаларни ибодатга қизиқтириш ва чиниқтириш фурсатидир. Саҳобаи киромлар болаларни рўза билан ибодатга ўргатар ва бунинг учун уларга одатдагидан ташқари эътибор беришар, турли ўйинчоқлар билан уларни ўйнатишар эди.

Рубайийи бинти Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Биз ёш болаларимизга рўза туттирардик ва уларга жундан ўйинчоқ қилиб берар эдик, бирортаси овқат деб йиғласа, то ифтор вақти бўлгунча унга ўшани бериб қўяр эдик».

Имом Бухорий ривояти.

Рўздорнинг оғзидаги ҳид Аллоҳнинг наздида мушқдан кўра хушбўйроқдир. Аслида оғиздан ҳеч қачон хушбўй ҳид чиқмайди. Аммо рўзанинг шарофатидан ўша ёқимсиз ҳид Аллоҳ таолонинг наздида дунёдаги энг хушбўй нарса, хушбўйлик ҳақида гап кетганда зарбулмасал қилинадиган мушқдан кўра ёқимлик, хушбўйроқ саналар экан. Ана шундай фазилатга Рамазон шарофати билан эришилади.

Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, рўздор оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушқнинг ҳидидан хушбўйроқдир», деганлар».

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Шунинг учун ҳам, уламоларимиз куннинг иккинчи ярмида тишни мисвок қилмаган яхши, чунки мисвок Аллоҳнинг наздида мушқдан хушбўй саналган мазкур ҳидни кетказиб юбориши мумкин, дейдилар.

Рамазонда унутишнинг ҳам фазилати бор. Ибодатларда унутишга йўл қўйиш аслида яхши саналмайди. Аммо рўздорнинг унутиши ҳам унга Аллоҳ таолонинг икромии, инояти ва фазлу марҳаматининг нишонаси бўлади.

Деярли барча саҳиҳ тўпламларда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар эсда йўқ еб-ичиб қўйса, рўзасини тугал қилсин. Чунки уни Аллоҳ таомлантирибди ва суғорибди», деганлар.

Рамазонда яхши амалларнинг ажру савоби бир неча барорбарга кўпайтириб берилади. Рамазон ҳақида Салмон Форсийдан ривоят қилинган узун ҳадисда жумладан: «Ким унда ихтиёрий равишда бир яхши иш қилса, худди бир фарзни адо этгандек бўлади. Ким унда бир фарзни адо этса, худди етмишта фарзни бажаргандек бўлади», дейилган.

Ибн Ражаб раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Рўзанинг шундоқ ҳам бошқа амалларга нисбатан ажри бир неча баробар кўп бўлгач, Рамазоннинг рўзаси ҳам бошқа рўзаларга нисбатан бир неча баробар устун бўлади. Бу унинг вақтини шарофати ва у Аллоҳ фарз қилган рўза бўланлиги ҳамда У Зот бу рўзани Ислом барпо қилинган аркон – устунларнинг бири қилгани эътиборидандир».

Рамазонда яхши амал қилган киши табиий равишда уни рўздор ҳолда бажаради. Бир амални ибодат ичида қилиш уни бошқа пайт қилишдан кўра

фазилатли ва савобли бўлади.

Фойдаланилган манба:

Islom.uz сайти

Хуршид Маъруф тайёрлади